

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ВАСИЛЕВСКИЙ ЭДУАРД АЛЕКСАНДРОВИЧ

ОЁҚЛАР СУРУНҚАЛИ ВЕНА ЕТИШМОВЧИЛИГИ АВЖ ОЛИШИ ВА
ШАКЛЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-ИРСИЙ ПРЕДИКТОРЛАРИ

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Василевский Эдуард Александрович

Оёқлар сурункали вена етишмовчилигининг авж олиши ва шаклланишининг клиник-ирсий предикторлари..... 3

Василевский Эдуард Александрович

Клинико-генетические предикторы формирования и прогрессии хронической венозной недостаточности нижних конечностей..... 26

Vasilevsky Eduard Aleksandrovich

Clinical and genetic predictors of the formation and progression of chronic venous insufficiency of the lower limb..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ВАСИЛЕВСКИЙ ЭДУАРД АЛЕКСАНДРОВИЧ

**ОЁҚЛАР СУРУНҚАЛИ ВЕНА ЕТИШМОВЧИЛИГИ АВЖ ОЛИШИ ВА
ШАКЛЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-ИРСИЙ ПРЕДИКТОРЛАРИ**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib2811 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алейник Владимир Алексеевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Закиров Ёркин Узуевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ирискулов Бахтиёр Ўктамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:


Бухоро давлат тиббиёт институти


Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «09» август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).


Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (0966 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2023 йил «28» 07 да куни тарқатилди.
(2023 йил «28» 07 даги 27 рақамли реестр баённомаси).




Г.И. Шайхова
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор


Д.Ш. Алимухамедов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент


Р.Дж. Усманов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда оёқлар сурункали вена етишмовчилиги (СВЕ) бугунги кунда инсон қон томир тизимининг кенг тарқалган патологияси ҳисобланади. Сурункали вена патологиясини ташхислаш ва даволашда замонавий ютуқларга эришишига қарамай, замонавий тиббиётдаги муҳим тиббий-ижтимоий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда, унинг тарқалганлиги, клиник кечиши ва қайталаниш хусусиятлари, шунингдек, натижалари турли ёш гуруҳларидаги беморлар ҳаёт сифатини сезиларли пасайишига олиб келади. Хорижий муаллифлар маълумотларига кўра, «...ўтказилган кенг кўламли тадқиқотларнинг натижаларидан кўриниб турибдики, СВЕ энг оғир оқибатларидан бири ўпка тромбоземболияси, трофик вена яралари сингари мураккаб асоратлар ҳисобланади...»¹. Сурункали вена касалликлари (СВК) АҚШ, Европа ва Осиёнинг турли давлатларида кўп учрайдиган касалликларига кириб, аҳолининг учдан бир қисмини, асосан аёл жинсидаги беморларни қайд қилинади. СВЕ ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ташхислаш ва даволаш сарф – харажатлари юқорилиги, беморларнинг руҳий-ҳиссий ҳолатини ҳамда кечки клиник босқичда мураккаб килишига таъсир қилишига сабаб бўлади. СВЕ дунё бўйича меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида юқори ногиронликнинг асосий сабаби бўлиб қолмоқда. Юқоридагиларни инобага олиб, оёқлар сурункали вена етишмовчилигини олдини олиш, даволаш ва асоратларини камайтириш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда оёқлар сурункали вена етишмовчилигининг авж олиши ва шаклланишининг клиник-ирсий предикторларини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада оёқлар сурункали вена етишмовчилиги кузатилган беморларда клиник – лаборатор текширувлар олиб бориш, оёқлар сурункали вена етишмовчилиги кузатилган беморларда матрикс металлопротеиназ MMP9 Gln279Arg гени полиморфизмининг аллел ва генотипик вариантлари тарқалиш даражаси, оёқлар сурункали вена етишмовчилиги патогенези жараёнларида унинг аҳамияти, оёқлар сурункали вена етишмовчилиги предиктори ва унинг оёқларда авж олиши сингари VEGFA (C936T) қон томирлар ўсишининг эндотелиал омил гени полиморфизми аҳамияти, оёқлар сурункали вена етишмовчилиги ривожланишга мойиллиги билан TNF- α (G308A) ўсма некрози гени полиморф вариантларининг ассоциатив боғлиқлигини ҳамда оёқлар сурункали вена етишмовчилиги шаклланиши ва авж олиш хавфини баҳолашнинг башоратлаш мезонларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли омиллар таъсирида юзага келадиган касалликларни бартараф этишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга

¹ Prochaska J. H., Arnold N., Falcke A. et al. Chronic venous insufficiency, cardiovascular disease, and mortality: a population study//European Heart Journal. - 2021. - 42(40). – P. 4157-4165.

мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда оёқлар сурункали вена етишмовчилигининг авж олиши ва шаклланишининг клиник-ирсий предикторларини баҳолашни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш йўли билан жамоат саломатлигини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охирги йигирма йилликда дунё бўйича СВЕ тарқалганлиги кескин ўсди. Агар шундай тенденция сақланса, башоратлар бўйича 2030 йилга келиб, саноати ривожланган давлатларнинг 30% аҳолиси СВЕ турли шаклларида азоб чекади (И.А. Золотухин ва ҳаммуалл., 2017; Salim S. et al., 2021). Охирги ўн йилликда СВЕ этиологияси ва патофизиологияси интенсив ўрганилмоқда. СВЕ ривожланиши ва авж олишига олиб келувчи механизмларни аниқлаш мураккаб вазифа ҳисобланиб, олинган омиллар ушбу патологиянинг тўлиқ клиник турли – туманлигини тушунтириш учун етарли эмас (Serra R. et al., 2020). СВЕ этиологияси ва патофизиологияси мураккаб ҳамда кўп омилли бўлиб, генетик, протеомик ва ҳужайравий механизмларни ўз ичига олади, вена тузилиши ва вазифалари ўзгаришига олиб келади. СВЕ га мойиллигига масъул вена тонуслари регуляцияси ва қон томирлар ривожланиши, ангиогенези билан боғлиқ айрим генлар экспрессиясини кўрсатувчи бир

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

қатор тадқиқотлар ўтказилган (Raffeto J.D., 2018). Ҳозирги вақтда хорижий ва маҳаллий илмий манбаларда оёқлар вена тизими касалликлари патогенетик механизмида яллиғланиш цитокини ўсма некрози омили - α (TNF- α) ва матрикс металлопротеиназ (MMP9) гени, қон томир эндотелийсининг ўсиш омилларининг (VEGFA) гени иштирокини тасдиқловчи маълумотлар мавжуд (А.А.Яриев, ва ҳаммуалиф., 2022; М.А.Сметанина ва ҳаммуалиф., 2021; Costa D., et al. 2023). Бироқ, бу дунёвий маълумотлар бир хил эмас, бир-бирига қарама-қарши ва индивидуал бўлиб, ўрганилаётган бемор намуналари, бу генлар аллел ва генотипик вариантларининг этник гетерогенлиги оқибатидир. СВЕ муҳим ижтимоий ва тиббий аҳамиятига қарамай, ҳозирги вақтда генетик полиморфизмлар бирикиши аниқланмаган, индивидуаллаштирилган ташхисот алгоритмларини тузиш учун асос ҳисобланган, бу СВЕ ривожланиши ва авж олиши предикторларида муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Ўзбекистонда турли касалликлар натижасида ҳар хил орган ва тизимлар функционал ҳолатининг патологик ўзгаришида генетик полиморфизмлар таъсирини баҳолаш борасида қатор олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган (Х.Я.Каримов, 2021, 2022, А.А.Яриев, К.Т.Бобоев, 2022, 2023), бироқ, оёқлар сурункали вена етишмовчилигида турли генетик таъсирларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Шундан келиб чиқиб, айрим генетик полиморфизмлар ташувчанлиги даражасини жиддий ўрганишга зарурат туғилади, бу вена деворлари тузилишининг бутунлигига патологик таъсир кўрсатиши (қайта моделлашиши), эндотелиал дисфункция ривожланиши ва яллиғланиш жараёнларини кўзғатиши, шунингдек, СВЕ ривожланишида уларнинг ўрнини баҳолаш мумкин. Шу билан бирга, Ўзбекистонда оёқлар сурункали вена етишмовчилигининг ривожланиши ва авж олиш предикторларини излаш ҳамда патогенезини ўрганишга қаратилган комплекс клиник ва молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000275 «Физиология ва патологияда инсон организмнинг турли тизимлари регулятор механизмларини ўрганиш» (2018-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Оёқлар сурункали вена етишмовчилиги ривожланиши ва авж олиш хавфини баҳолашнинг прогностик мезонларини клиник ва генетик омилларни баҳолашни такомллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оёқлар сурункали вена етишмовчилиги кузатилган беморларда клиник – лаборатор текширувлар олиб бориш;

оёқлар сурункали вена етишмовчилиги кузатилган беморларда матрикс металлопротеиназ MMP9 Gln279Arg гени полиморфизмининг аллел ва генотипик вариантлари тарқалиш даражасини баҳолаш;

оёқлар сурункали вена етишмовчилиги предиктори ва унинг оёқларда авж олиши сингари VEGFA (C936T) қон томирлар ўсишининг эндотелиал омил гени полиморфизми аҳамиятини баҳолаш;

оёқлар сурункали вена етишмовчилиги ривожланишга мойиллиги билан TNF- α (G308A) ўсма некрози гени полиморф вариантларининг ассоциатив боғлиқлигини баҳолаш;

оёқлар сурункали вена етишмовчилиги шаклланиши ва авж олиш хавфини баҳолашнинг прогностик мезонларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020–2022 йилларда Андижон давлат тиббиёт институти ва Республика шошилич тез ёрдам илмий маркази Андижон вилояти филиали шифохонасида даволанган 98 нафар бемор, жумладан, СЕАР С3-С4 (n=45) бўйича СВЕ клиник синфи ва СЕАР С5-С6 (n=37) бўйича СВЕ клиник синфи беморлари ҳамда текширув вақтида сурункали вена етишмовчилиги клиник намоён бўлмаган, анамнезида ўзида ва яқин қариндошларида сурункали вена касаллиги аниқланмаган «шартли соғлом» 87 нафар инсонлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб оёқлар сурункали вена етишмовчилигининг авж олиши ва шаклланишининг клиник-ирсий предикторларини такомиллаштириш мақсадида VEGFA (C936T) қон томир ўсишининг эндотелиал омил гени, MMP9 (Gln279Arg) матрикс металлопротеиназа ва TNF – α (G308A) ўсма некрози омиллари ҳисобланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда оёқлар сурункали вена етишмовчилигининг авж олиши ва шаклланишининг клиник-ирсий предикторларини такомиллаштиришда клиник, инструментал, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали вена етишмовчилиги бўлган беморларда Gln279Arg матриксли металлопротеиназа MMP9 ген полиморфизмининг аллел ва генотипик вариантлари тарқалиши, уларнинг оёқлар сурункали вена етишмовчилиги патогенезида ўрни исботланган;

сурункали вена етишмовчилигида VEGFA гени C936T полиморфизми ноқулай С/Т ва Т/Т генотипларининг сурункали вена етишмовчилигини ривожланиш хавфидаги прогностик аҳамияти исботланган;

сурункали вена етишмовчилигида TNF- α гени G308A полиморфизмининг ноқулай гетерозиготали G/A генотипини олиб ўтиш ва сурункали вена етишмовчилигининг ривожланиш хавфи, шунингдек клиник синфнинг мураккаб шакллари ривожланиши ўртасида клиник, этиологик, анатомик патогенез таснифига кўра С5-С6 клиник синфи, сезиларли ассоциатив боғлиқлиги исботланган;

оёқлар сурункали вена етишмовчилиги шаклланиш ва авж олиш хавфини башорат қилишга индивидуал ёндашув мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оёқлар сурункали вена етишмовчилиги ривожланиши ва авж олишининг клиник-генетик предикторлари СВЕ ривожланишининг эрта олдини олиш имконияти кенгайтирилган;

MMP9 (Gln279Arg) матрикс металлопротеиназа ва TNF – α (G308A) ўсма некрози омили ҳамда VEGFA (C936T) қон томирлар ўсиши эндотелиал омилининг бир нечта генетик полиморфизм генларини бир вақтдаги ташувчанлиги оёқлар сурункали вена етишмовчилиги ривожланиш хавфини сезиларли оширган;

сурункали вена етишмовчилиги ривожланишига мойилликни баҳолаш учун беморни бир эмас, бир нечта генотипларини текшириш амалга оширилган;

нохуш генотипларнинг қўшма таъсирини ҳисобга олиб, оёқлар сурункали вена етишмовчилиги ривожланиши ҳамда авж олиш хавфини башоратлашнинг индивидуал мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, бир-бирини тўлдирадиган клиник, инструментал, биокимёвий, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллари асосида оёқлар сурункали вена етишмовчилигининг авж олиши ва шаклланишининг клиник-ирсий предикторларини баҳолашни такомиллаштиришнинг ўзига хослиги, натижаларнинг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оёқлар сурункали вена етишмовчилиги патогенезида турли генлар нохуш полиморфизми, VEGFA (C936T) қон томир ўсишининг эндотелиал омили, MMP9 (Gln279Arg) матрикс металлопротеиназа ҳамда TNF – α (G308A) ўсма некрози омилини прогностик аниқлашга, СВЕ ривожланишида уларнинг аҳамиятини баҳолаш имконини назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти салбий генотипларнинг қўшма таъсирини ҳисобга олиб, оёқлар сурункали вена етишмовчилиги ривожланиши ва авж олиш хавфини индивидуал тарзда башорат қилиш омиллари, оёқлардаги сурункали вена етишмовчилиги ривожланишига ирсий мойилликнинг ўрнини амалий аҳамияти баҳоланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оёқлар сурункали вена етишмовчилигининг авж олиши ва шаклланишининг клиник-ирсий предикторлари бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

сурункали вена етишмовчилиги бўлган беморларда Gln279Arg матриксли металлопротеиназа MMP9 ген полиморфизмининг аллел ва генотипик вариантлари тарқалиши, уларнинг оёқлар сурункали вена етишмовчилиги патогенезида ўрни исботлангани Андижон давлат тиббиёт институти шифохонаси бўйича (09.11.2022 й.; №91/2), Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича (14.11.2022 й.; №34/2), Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон вилояти филиали бўйича (19.11.2022 й.; № 255/2), Наманган вилояти филиали бўйича (16.11.2022 й.; №256/14) ҳамда Фарғона вилояти филиали бўйича (19.11.2022 й.; №257/2)

буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: ушбу генетик полиморфизмларни генотиби ва аллеллари, хасталикни ўз вақтида олдини олиш ва зарур даволаш чораларини кўриш натижасида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар сони камайиши ва сурункали вена етишмовчилиги билан хастланган беморларни даволаш сифати яхшиланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: хавф гуруҳида бўлган беморларга амбулатор шароитда амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи берилиши натижасида беморларни 12,5 кунлик стационар даволашга эҳтиёж қолмаслиги ҳисобига 2 250 000 минг сўм иқтисод қилишга эришилган (Андижон давлат тиббиёт институти шифохонасининг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун даволаниш 180 000 сўмни ташкил қилади). Хулоса: СВЕ ривожланиш хавфи бўлган популяцияда ММР9 генининг Gln279Arg полиморфизмини ўрганиш унинг самарадорлигини ва оёқлар сурункали вена етишмовчилигининг олдини олиш ва даволашнинг башоратли усуллари ишлаб чиқилиб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларни 1 575 000 минг сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 675 000 сўмга сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

сурункали вена етишмовчилигида VEGFA гени С936Т полиморфизми ноқулай С/Т ва Т/Т генотипларининг сурункали вена етишмовчилигини ривожланиш хавфидаги прогностик аҳамияти исботлангани Андижон давлат тиббиёт институти шифохонаси бўйича бўйича (09.11.2022 й.; №91/2), Андижон вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича (14.11.2022 й.; №34/2), Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон вилояти филиали бўйича (19.11.2022 й.; №255/2), Наманган вилояти филиали бўйича (16.11.2022 й.; №256/14) ҳамда Фарғона вилояти филиали бўйича (19.11.2022 й.; №257/2) буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: таклиф этилган генотипларининг сурункали вена етишмовчилигини ривожланиш хавфидаги прогностик аҳамиятини аниқлаш натижасида касалликнинг шаклланиш ва ривожланиш хавфини ошириш имконини берган ва ташхислаш сифати оширилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: беморнинг шифохонада бўлиш вақтини 12,5 кундан 10 кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 450 000 сўмга камайтирган (Андижон давлат тиббиёт институти шифохонасининг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 180 000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқарилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этади (1 кунга ўртача 110 000 сўм дори воситалари сарфланади); реабилитация харажатлари камаяди (1 кунга ўртача 35 000 сўм дори воситалари сарфланади). Хулоса: сурункали вена етишмовчилиги булган беморларда оғир яллиғланиш жараёнларини ривожланиш хавфининг, касалликнинг оғир шаклларга ўтиши беморларнинг ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келишини олдини олиниб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 568 750 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 243 750 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

давлат тиббиёт институти шифохонасининг преискурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 180 000 сўмни ташкил қилади). Хулоса: сурункали вена етишмовчилигини ривожланиш хавфи бўлган аҳолида юқорида келтирилган текширув усулларида фойдаланиб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 575 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 675 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. Э.А.Василевскийнинг «Оёқлар сурункали вена етишмовчилигининг авж олиши ва шаклланишининг клиник-ирсий предикторлари» мавзусидаги диссертацион тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Андижон давлат тиббиёт институтининг 2023 йил 31 майдаги 06/13-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 126 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг республика фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оёқлар сурункали вена етишмовчилигининг авж олиши ва шаклланишининг клиник-ирсий предикторларини баҳолашнинг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида бобида маҳаллий ва хорижий адабиётларнинг тўлиқ шарҳи берилган. Оёқлар сурункали вена етишмовчилигининг патогенетик асоси таҳлил қилинган, эндотелиал дисфункцияга замонавий қарашлар, қон томир деворларини қайта моделлаштириш ва сурункали вена етишмовчилиги ривожланишида уларнинг аҳамияти ёритилиб, сурункали вена етишмовчилиги ривожланишида ирсий хавф омилларининг ўрни, ҳамда кўриб чиқилди,

шунингдек, ушбу муаммо жиҳатларини ҳал қилинмаган ёки талаб қилувчи йўналишларини аниқлаштиришда муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Оёқлар сурункали вена етишмовчилигининг авж олиши ва шаклланишининг клиник-ирсий предикторлари баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда фойдаланилган материал ва усулларни очиб берилган. Тадқиқот ишлари 2020-2022 йилларда Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси ва Республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали бўлимларида даволанаётган 98 беморнинг комплекс клиник-лаборатор, молекуляр-генетик текширув натижаларининг таҳлили қўйилди. Улар асосий гуруҳни ташкил қилиб, СЕАР нинг клиник таснифи бўйича, маҳаллий намоён бўлишига кўра 2 кичик гуруҳларга бўлинди: 1-гуруҳни СЕАР таснифи бўйича СВЕ нинг С3-С4 клиник синфидаги – 45 нафар бемор; 2-гуруҳни СЕАР таснифи бўйича СВЕ нинг С5-С6 клиник синфидаги – 53 нафар бемор ташкил қилди. Назорат гуруҳига текширув пайтида ва анамнезида СВЕ клиник намоён бўлмаган, стационар томонидан йўналтирилган «шартли соғлом» 87 нафар киши, шунингдек, ўзи ва яқин қариндошларида вена касалликлари кузатилмаган кўнгиллилардан иборат.


Сурункали вена етишмовчилиги диагностикаси 2020 йилги СЕАР мезонига мос ўтказилди. Гуруҳга киритиш мезоналари СЕАР таснифи бўйича СВЕ га мос белгиларнинг мавжудлиги бўлди (С3-С6 клиник синфлари). Чиқариш мезонлари СЕАР С0-С2 клиник синфи кузатилган беморлардан иборат.

Асосий ва назорат гуруҳларида барча текширувлар тадқиқотда розилик билдирган 18 ёшдан катта беморларда ўтказилди. Барча кичик гуруҳларда текширувга 18 ёшдан кичик беморлар, ҳомиладорлик ва ундан 6 ҳафта кейинги беморлар, шунингдек онкологик касалликка чалинганлар киритилмади.

Асосий гуруҳда 46-55 ёшдаги – 41 (41,8%) нафар беморлар устунлик қилди, унда 20-35 ёшли беморлар текширилаётганларнинг кам қисмини 11 (11,2%) нафар ташкил қилди. Катта ёшдаги беморлар 18 (18,4%) нафар бўлиб, оғир даражадаги СВЕ кузатилган беморларнинг асосий қисми 45-55 ёшдагилардан иборат. Жинс бўйича беморларнинг тақсимланиши кўрсатишича, 98 нафар текширилаётганларнинг 71 (72,5%) нафар аёллар, 27 (27,5%) эса эркакларни ташкил қилди (1-расмга қаранг).

Асосий гуруҳда беморларнинг ўртача ёши $62,7 \pm 1,3$ йилни ташкил қилди. Жумладан, СВЕ -С5-С6 беморларининг ўртача ёши $63,5 \pm 1,7$ йилни, СВЕ С3-С4 беморларининг ўртача ёши $62,2 \pm 1,6$ йилни ташкил қилди. Назорат гуруҳида соғлом кишиларнинг ўртача ёши $54,3 \pm 3,9$ йилга тенг бўлди. Жинси ва ёши бўйича текширилаётганлар тақиб ва назорат гуруҳига таққосланди.

Касаллик давомийлиги СВЕ С3-С4 беморларида $5,6 \pm 4,1$ йил, СВЕ С5-С6 беморларида $11,8 \pm 4,6$ йилни ташкил қилди.



1-расм. Асосий гуруҳда беморларнинг жинс бўйича тақсимланиши

Тадқиқот мезонига клиник кўрув, инструментал, лаборатор, биокимёвий ва молекуляр-генетик текширувлар киритилган. Қон ивиш тизимининг ҳолати Саenet бўйича фаоллашган қисман тромбопластин вақти (ФҚТВ), Квик усули бўйича протромбин индекси, Фуэнте усули бўйича тромботест, Рутберг усули бўйича плазмада фибриноген концентрацияси, Квик усули бўйича халқаро меъёрлашган муносабат (ХММ), Сухарев усули бўйича қон ивиш мезонлари баҳоланган.

Беморларда оёқлар вена тизимининг функционал ҳолатини баҳолаш вақтида доплер усули билан оёқлар вена тизими ультратовуш текширилган.

Тадқиқотнинг генетик методлари генларнинг генетик ДНК-полиморфизмлари сурункали вена етишмовчилиги ривожланиши, бирикккан VEGFA (C936T) эндотелиал дисфункция, MMP9 (Gln279Arg) вена деворлари тузилишининг қайта ўзгариши ва TNF - α (G308A) яллиғланишга қарши генлар полиморфзмларининг қайта моделлашиши билан боғлиқ энг муҳим генотип ҳамда аллеллар тақсимланиш даражасини ўрганишдан иборат. Генетик мутация Республика гематология ихтисослаштирилган тиббий илмий-амалий маркази молекуляр генетик ва цитогенетика лабораториясида амалга оширилган.

Ўрганилаётган генлар полиморфизм ассоциацияси «case-control» (ҳолат-назорат, икки намунани таққослаш) туридаги моделдан фойдаланиб, таҳлил қилинди.

Генетик тадқиқот ва олинган маълумотлар таҳлили хавфларни башорат қилиш сифатини, шаффофлигини ошириш мақсадида GRIPS тамойилига мувофиқ ўтказилди.

ПЗР таҳлили Applied Biosystems 2720 (АҚШ) ва CG1-96 («Corbett Research» QUAGEN Германия) ҳамда Rotor GeneQ (QUAGEN Германия) термоциклерлари ёрдамида амплификация дастурларига мосликда амалга оширилди. Беморлар қони ЭДТА билан тўлдирилган Vacutainer Becton Dickinson International (АҚШ) стандарт вакуум найчаларга олинган.

Олинган тадқиқот натижалари Stat Soft Statistica 10,0 (АҚШ) амалий дастурнинг стандарт пакети ёрдамида статистик қайта ишланди. Харди-Вайнберг каноник тақсимланишидан ўрганилган ДНК полиморфизми генотиплари тақсимланишининг оғишини баҳолаш интернетда мавжуд (<http://wbiomed.curtin.edu.au/genepop>) «Gene Pop» («Genetics of Population») генетик маълумотларни таҳлил қилиш учун компьютер дастуридан фойдаланиб, амалга оширилди.

Текширилаётган беморлар ва назоратда генотип ҳамда аллеллар частотасини тақослашда СВЕ жараёнлари ривожланиш хавф даражасини баҳолаш учун χ^2 Пирсон мезони ва ва 95%- ишонч оралиғи билан (OR) имкониятлар муносабатидан фойдаланилди. 2×2 қаршилик жадвали учун агар миқдор жадвалнинг ҳатто бир катагида кам ёки 5 га тенг бўлса ҳам узлуксизликка тўғриланган Йетса χ^2 мезони қўлланилди.

Ассоциация даражаси odds ratio (OR) имконияти ва унинг 95% ишонч оралиғи (95% ИО) муносабати кўрсаткичлари йиғиндисиди (95% ИО) $OR = (a \cdot d) / (b \cdot c)$ формулада баҳоланади, бу ерда a-беморларни саралашда аллел (генотип) частотаси, b – назорат саралашда аллел (генотип) даражаси, c- назорат саралашда қолган аллел (генотип) частота суммаси, d – назорат саралашда қолган аллел (генотип) йиғиндиси. $OR = 1$ йиғиндиси ассоциациянинг йўқлигини кўрсатади. $OR > 1$ йиғиндиси хавф омилининг ошиши, $OR < 1$ хавфнинг пасайиши сингари кўриб чиқилди.

Диссертациянинг «Оёқлар сурункали вена етишмовчилиги кузатилган беморларда клиник, лаборатор-инструментал текширув натижалари» деб номланган учинчи бобида асосий ва назорат гуруҳлари беморларининг стационарга келган вақтда қон ивиш тизимининг асосий кўрсаткичларини текшириш натижалари баҳоланган, улар патологияга эга ёки эга эмаслигига боғлиқликда таққосланганда, ўзаро ишончли тафовутлар аниқланмади. Барча беморларда гиперкоагуляцияга мойиллига аниқланди, шунга қарамай, уларнинг айримлари ушбу касаллик ривожлангунча антикоагулянтлар қабул қилган. Гиперкоагуляция ҳолати СВЕ С5-С6 кузатилган беморларда кўпроқ аниқланди.

Текширилаётган 77,0% беморларда оёқлар вена юзасини қисман жалб қилиш билан оёқлар терисининг трофик шикастланиши кузатилган. СВЕ кузатилган беморларнинг деярли тенг ярмида даволашдан кейин 45,0% болдирнинг вена яраси кузатилди ва фақат трофик яранинг чорак қисми 16,0% фаол фазада бўлди, улар стационар шароитида даволанди. Деярли барча текширилаётганлар тери қопламаси томонидан оёқлар СВЕ симптомларига эга бўлди (1-жадвалга қаранг): (92,0%) телеангиоэктазия, (77,0%) терининг трофик шикастланиши ва (87,0%) тери ости ёғ қаватлари шикастланган соҳалари кузатилди.

СВЕ кузатилган беморлар оёқлари юзаки ва чуқур веналари УТДГ маълумотларига кўра, томирлар ҳажмининг кенгайиши, деворлар дилатацияси билан чуқур вена тизимида гемодинамик бузилишлар, шунингдек, перфорант вена клапанлари ва остиал клапан асосизлиги устунлик қилди.

Текширилаётган беморларда сурункали вена етишмовчилиги белгилари

№	Аниқланган ўзгаришлар тури	СВЕ кузатилган беморлар гуруҳида аниқланиш даражаси (%)
1	Оёқлар терисининг трофик шикастланиши	77%
2	Оёқлар венаси юзасининг варикоз ўзгаришлари	77%
3	Болдирнинг вена яраси	45%
4	Болдирнинг фаол вена яраси	16%
5	Шикастланиш соҳасида оёқлар терисининг телеангиоэктазияси	92%
6	Оёқлар шишиши	87%

Текширилаётган гуруҳда СВЕ ташхисланган беморлар оёқ веналари УТДГ натижаларига кўра, қоннинг тескари ҳаракатланишида горизонтал ва вертикал тури бўйича патологик рефлюкслар комбинацияланган патология белгилари устунлик қилди (2-жадвалга қаранг), бу 38,7% беморда аниқланди. Қон томирларда қоннинг горизонтал ҳаракатланиш тури кузатилган 22,5% беморда перфорант веналар клапанининг чекланган вазифасини меҳнатга лаёқати пасайиши устунлик қилди. Тўртдан ортиқ ҳолатда вертикал тури бўйича гемоциркуляция бузилиши билан сафен-поплитеал оқмалар вена клапанлари фаолиятининг бузилишини кўрсатди (17,3%). Сафен-феморал ўтиш клапани ишлашининг томир бўшлиғида патологик вертикал рефлюкс гемоциркуляцияси билан бирга камайиши 16,4% беморда аниқланди (2-жадвалга қаранг). Сафен-феморал ўтиш клапани ишлашининг томир бўшлиғида патологик вертикал рефлюкс гемоциркуляцияси билан бирга камайиши туридаги вена фаоллик дисфункцияси 5,1% СВЕ кузатилган беморлар орасида кўп тарқалганлиги баҳоланган.

Стационар шароитида даволанган беморларда оёқлар сурункали вена етишмовчилигининг ультратовуш белгиларининг натижалари

№	Ультратовуш белгилар варианты	Беморлар гуруҳида аниқланиш кўрсаткичлари	
		n	%
1	Сафен-феморал ўтиш клапани	5	5,1

	ишлашининг томир бўшлиғи патологик горизонтал рефлюкс гемоциркуляцияси билан бирга камайиши		
2	Сафен-феморал ўтиш клапани ишлашининг томир бўшлиғи патологик вертикал рефлюкс гемоциркуляциясини камайиши	17	17,3
3	Сафен-феморал ва сафен-поплитеал ўтиш клапани ишлашининг томир бўшлиғи патологик вертикал рефлюкс гемоциркуляцияси билан бирга камайиши	16	16,4
4	Перфорант вена ўтиш клапани ишлашининг томир бўшлиғи патологик горизонтал рефлюкс гемоциркуляцияси билан бирга камайиши	22	22,5
5	Вена бўшлиғида горизонтал ва вертикал патологик рефлюкслар гемоциркуляция комбинацияси	38	38,7
Жами		98	100

УТДГ дан олинган натижалар, шунингдек, оёқлар шикастланишининг объектив белгилари СЕАР таснифи бўйича СВЕ оғир шакллари устунлигини тасдиқлайди (клиник С4-С6 синфлари).

Шундай қилиб, оёқлар венаси УТДГ текширувида вена тизимининг анатомик ва функционал бузилиши, ивиш тизими лаборатор таҳлили миқдорий кўрсаткичларининг ошиши, трофик вена шикастланиш даражаси, клиник кечиш оғирлиги билан ўзаро боғлиқлиги аниқланди.


Олинган маълумотлар СВЕда клиник, лаборатор ва тузилишли ўзгаришларнинг кенг кўламда турли туманлиги тўғрисида маълумот беради, бу ушбу патология патогенезининг мульти омилли эканлигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг «**Оёқлар сурункали вена етишмовчилиги кузатилган беморларда молекуляр-генетик текширув натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида СВЕ шаклланиши ва ривожланишининг генетик предикторларини аниқлаш учун СВЕ (С3-С4), СВЕ (С5-С6) беморлар ва назорат гуруҳи вакилларида матрикс металлопротеиназа (ММР9), қон томир эндотелий ўсиш омили (VEGFA) яллиғланишга қарши цитокинлар – α (TNF- α) ўсма некроз омили генлари полиморфизмларининг ўрни баҳоланган. Агар текширилаётган гуруҳда, назорат гуруҳига нисбатан ўрганилаётган геннинг полиморф вариантлари аниқланса, унда СВЕ асоратлар ривожланиш хавфи ошгандек баҳоланади. Бундай ҳолатда ассоциациянинг сезиларли

натижалари ўрганилаётган ДНК полиморфизми СВК ривожланиш хавфига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади ёки унга боғлиқ генетик варианты учун генетик маркер сифатида таъсир қилади, бунда ушбу патология ривожланиши ёки қайталаниш хавфига таъсир кўрсатади.

Матрикс металлопротеиназа – 9 (ММР9) гени 20q13.12 локусда 20 – хромосома узун елкасида жойлашади. Текширув давомида ММР9 гени Gln279Arg генетик маркери борлигини текширади.

Тадқиқот мобайнида олинган натижалар асосий гуруҳда ММР9 гени Gln279Arg полиморфизмининг Gln/Gln, Gln/Arg ва Arg/Arg генотипларининг тақсимланиш даражаси мос равишда 41,5%, 41,5% ва 17,0% ни ташкил қилди (2-расмга қаранг).



2-расм. Асосий гуруҳ сараланган беморлари (n=98) ва назорат гуруҳи (n=86) беморларида ММР9 генида Gln279Arg полиморфизм генотипларининг тақсимланиши

Назорат гуруҳида ММР9 гени Gln279Arg полиморфизмларининг Gln/Gln, Gln/Arg ва Arg/Arg генотиплари тақсимланиш даражаси мос равишда 50,6%, 36,% ва 12,6% ни ташкил қилди (3-жадвалга қаранг).

Олинган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, СВЕ кузатилган беморларда ММР9 генида Gln279Arg полиморфизмининг Gln/Arg ва Arg/Arg генотиплари комбинацияси СВЕ оғир шакллари ривожланиш хавфининг юқорилигини кўрсатди (СЕАР С5 ва С6 синфи): OR=1,2 ва 1,4; 95% CI=0,49-2,61 ва 0,47–3,86; p=0,5. ММР9 генида Gln279Arg полиморфизми Gln/Gln генотипининг мавжудлиги аксинча, қарама-қарши ҳолатга эга бўлиб, СВЕ оғир шакли ривожланишидан огоҳлантириш нуқтаи назаридан ҳимоя вазифасига ҳам эга (СЕАР С5 ва С6 синфи): OR=0,7; 95 % CI=0,35-1,38; p=0,3.

Олиб борилган тадқиқотимиз кўрсатишича, ММР9 генида Gln279Arg полиморфизм аллелнинг турли туманлилиги билан тавсифланади: функционал нохуш Gln/Arg ва Arg/Arg генотипларининг СВЕ, асосан, С5 ва

С6 синфдаги асоратли шакллари ривожланиши ва авж олишига ишончли хисса кўшади.


3-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳи беморларида MMP9 гени Gln279Arg полиморфизмлари ўртасидаги ассоциатив боғлиқликлигини баҳолаш натижалари

Текширилаётган гуруҳлар	Алел ва генотиплар	Назорат гуруҳига нисбатан статистик тафовутлар					
		Relative risk		Odds ratio		χ^2	p-value
		RR	95% CI:	OR	95% CI:		
Асосий гуруҳ (n=98)	Gln	0,9	0,63 – 1,36	0,8	0,51 - 1,22	1,1	0,3
	Arg	1,1	0,68 – 1,72	1,3	0,82 – 1,95		
	Gln/ Gln	0,9	0,51 - 1,49	0,8	0,43 - 1,36	0,8	0,4
	Gln/ Arg	1,1	0,63 - 1,86	1,1	0,63 - 2,06	0,2	0,7
	Arg/ Arg	1,3	0,65 - 2,55	1,3	0,59 - 3,08	0,5	0,5
СВЕ С3-С4 n = 45	Gln	1,0	0,48 – 1,89	0,9	0,5 - 1,47	0,3	0,6
	Arg	1,1	0,72 – 1,53	1,2	0,68 – 2		
	Gln/ Gln	0,9	0,36 – 2,35	0,9	0,42 - 1,76	0,2	0,7
	Gln/ Arg	1,0	0,39 – 2,67	1,0	0,5 - 2,2	0,0	0,95
	Arg/ Arg	1,2	0,35 – 4,27	1,3	0,46 - 3,54	0,2	0,7
СВЕ С5-С6 n = 53	Gln	0,9	0,5 – 1,64	0,7	0,45 - 1,23	1,3	0,3
	Arg	1,1	0,74 – 1,65	1,3	0,81 - 2,24		
	Gln/ Gln	0,8	0,35 – 1,92	0,7	0,35 - 1,38	1,1	0,3
	Gln/ Arg	1,1	0,49 - 2,61	1,2	0,61 - 2,45	0,3	0,6
	Arg/ Arg	1,3	0,47 – 3,86	1,4	0,54 - 3,67	0,5	0,5

СВЕ кузатилган беморларнинг генетик текширув натижалари асосида олинган статистик маълумотлар СЕАР бўйича С4 босқичидан бошлаб, оёқлар СВЕ асоратланган шакллари ривожланиш хавфи билан MMP9 генида Gln279Arg полиморфизмларининг Gln/Arg ва Arg/Arg генотиплари ҳамда Arg аллел ташувчанлиги ассоциацияси тўғрисида ишончли ахборот беради, клапан етишмовчилигининг ортиб бориши ва вена деворининг қайта моделлаштириш жараёнининг оғирлашиши билан боғлиқ. Тадқиқот маълумотлари оёқлар СВЕ да MMP9 экспрессиясининг ошишини кўрсатади, улар статистик аҳамиятга эга бўлади ($p < 0,05$).

Қон томир эндотелий ўсиш омили (VEGFA) – бу ангиогенез регулятори (бошқарувчиси) бўлиб, вена томирларининг бутунлиги ва жавоб реакциясининг қўллаб қувватлашда асосий ўрни тутади. VEGFA концентрациясининг ўзгариши СВЕ клиник симптомларини тушунча бериши ва касаллик ривожланишига мойиллик кўрсатиши мумкин. VEGFA гени 6-хромосома (6p21.3) калта елкасида жойлашиб, 7 интронга бўлинган 8 экзондан ташкил топган. Бир нуклеотидли С936Т полиморфизми кўрсатилган геннинг трансляция қилинмайдиган 3' –UTR соҳасида жойлашади, энг клиник аҳамиятли маркер ҳисобланади.



3-расм. Асосий (n=98) ва назорат (n=87) гуруҳлар bemorларида VEGFA генида C936T полиморфизми генотипларининг тақсимланиши

Аниқланишича, оёқлар CBE кузатилган bemorлар орасида VEGFA гени C936T полиморфизми C/C генотиплари авлодлари даражаси назорат гуруҳига нисбатан сезиларли паст бўлади. Бу оёқлар сурункали вена етишмовчилиги ривожланишига нисбатан ушбу генотипнинг кутилиши мумкин бўлган ҳимоя самараси тўғрисида маълумот беради (мос равишда 62,2% ва 77,0%, $\chi^2=4,7$; $P=0,05$; $OR=0,5$; $95\%CI:0,26-0,93$). Шунингдек, назорат гуруҳига нисбатан bemorлар орасида нохуш C/T генотип ташувчилари улушининг ошишига тенденция аниқланди (мос равишда 30,6% ва 19,5%) (3-расмга қаранг). Ушбу генотип мавжудлигида оёқлар сурункали вена етишмовчилиги ривожланиш хавфи 1,8 мартага ортди ($\chi^2=3,0$; $P=0,1$; $OR=1,8$; $95\%CI:0,92-3,58$). Асосий гуруҳда T/T мутант маркер миқдорининг ортишига тенденция аниқланди ($\chi^2=1,2$; $P=0,3$; $OR=2,2$ да мос равишда 7,1% ва 3,4%. $95\%CI:0,56-8,36$), бу ушбу патология ривожланиш хавфи 2,2 мартага ортишидан хабар берди.

CBE C5-C6 кузатилган bemorлар гуруҳида T/T нохуш генотипи миқдорининг ошишига кучсиз мойиллик аниқланди, бу ушбу генотипнинг мавжудлигида оёқлар сурункали вена етишмовчилиги ривожланиш хавфи ва унинг CBE (C5-C6) га ўтишини 1,7 мартага оширади (5,7% нисбатан 3,4% $\chi^2=0,4$; $P=0,6$; $OR=1,7$; $95\%CI:0,33-8,51$) (4-жадвалга қаранг).

Шундай қилиб, CBE (C3-C4), шунингдек, CBE (C5-C6) ривожланишининг ҳисобланган нисбий хавфи минор T аллел ҳамда C/T ва T/T генотипларининг аниқланишида назорат гуруҳи bemorларида қон томир эндотелийси ўсиш омили (VEGFA) генида C936T полиморфизмлари ўртасидаги ассоциатив боғлиқликнинг баҳосини кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, полиморфизмнинг гетерозигот шакли ва полиморфизм мутант варианты детекциясини аниқлашда VEGFA фермент фаоллигининг пасайиши кузатилади, у қон томир бузилиши ҳамда эндотелиал дисфункция келиб чиқишига берилган механизм ҳисобланади, оёқлар сурункали вена етишмовчилиги шаклланиши ва ривожланиш хавфини оширади.


**Назорат гуруҳи беморларида (VEGFA) қон томир эндотелийси ўсиш
омили генида C936T полиморфизмлари ўртасидаги ассоциатив
боғлиқлик натижалари**

Текшириладиган гуруҳлар	Алел ва генотиплар	Назорат гуруҳига нисбатан статистик тафовутлар					
		Relative risk		Odds ratio		χ^2	p-value
		RR	95% CI:	OR	95% CI:		
Асосий гуруҳ (n=98)	C	0,9	0,6 – 1,34	0,5	0,3 – 0,91	5,3	0,025
	T	1,1	0,56 – 2,22	1,9	1,1 – 3,28		
	C/C	0,8	0,48 – 1,35	0,5	0,26 – 0,93	4,7	0,05
	C/T	1,6	1,92 – 2,68	1,8	0,92 – 3,58	3,0	0,1
	T/T	2,1	0,89 – 4,81	2,2	0,56 – 8,36	1,2	0,3
СВЕ (C3-C4) n=45	C	0,9	0,43 – 1,71	0,4	0,23 – 0,84	6,3	0,025
	T	1,2	0,64 – 2,11	2,3	1,19 – 4,26		
	C/C	0,8	0,31 – 1,84	0,4	0,19 – 0,88	5,3	0,025
	C/T	1,7	0,67 – 4,33	2,1	0,92 – 4,62	3,1	0,1
	T/T	2,6	0,67 – 9,94	2,7	0,62 – 12,12	1,7	0,2
СВЕ (C5-C6) n=53	C	0,9	0,46 – 1,85	0,6	0,32 – 1,17	2,2	0,2
	T	1,1	0,6 – 1,94	1,6	0,85 – 3,09		
	C/C	0,9	0,37 – 1,99	0,6	0,27 – 1,23	2,0	0,2
	C/T	1,4	0,6 – 3,49	1,6	0,73 – 3,6	1,4	0,3
	T/T	1,6	0,32 – 8,34	1,7	0,33 – 8,51	0,4	0,6

